# ХАБАР

XABAR

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

**1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 19 сентябрь № 38 (266). ●** Сотувда нархи эркин



***Ўтган йили Бухорода хорижнинг замонавий рақамли алоқа станциялари ишга туширилган эди. Ана шу алоқа техникаларининг самарали ишлашида иқтидорли муҳандис Асад ҚУРБОНОВнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.***

***Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ***

## ҚЎҚОНДА УЯЛИ ТЕЛЕФОН

Ўзбекистондаги 7 та шаҳардан сўнг Қўқонда ҳам уяли телефон хизматидан фойдаланила бошланди. Унинг асосий базаси шаҳардаги 4-телефон-телеграф станциясида жойлашган. Станция тўлалигича қайтадан таъмирланиб, замонавий услубда ишлайдиган масканга айлантирилди. Бу ерда маркетинг ва абонентлик бўлимлари ишлаб турибди. Мижозларнинг уяли телефон хизматидан фойдаланишлари учун барча имкониятлар яратилган.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

### • Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

**● Италия Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Романо Проди расмий ташриф билан республикамизда бўлди.**

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши БМТнинг Тожикистондаги кузатувчиларининг бу ерда бўлиш муддатини яна икки ойга узайтирди.

**● Қримнинг Дагомис курортида Россия маъмурлари ва Чеченистон хукумати раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда Россия билан Чеченистон ўртасида давлатлараро шартнома, ягона мудофаа ва иқтисодий худуд тўғрисида битимлар тайёрлашга келишиб олинди. Бу хужжатлар ҳақида Россия ва Чеченистон маъмурлари вакилларидан иборат комиссия 24 сентябрда ўз ишини Москвада бошлайди. Шу муносабат билан Чеченистон президенти Аслан Масхадов унинг республикаси пировард натижада Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш ниятида эканлиги тўғрисида яна бир бор баёнот берди.**

● Хитой яқин уч йил ичида ўз Қуролли кучларини 500 минг кишига қисқартиришни эълон қилди.

**● АҚШнинг космик тадқиқотлар бўйича ташкилоти — НАСА раҳбарияти Киевда бўлди. Бу ерда улар Украина космонавти Леонид Кобелюкнинг кўп марта фойдаланиладиган «Шатлл» кемасида космосга парвоз қилиш масаласини муҳокама этдилар.**

● Шотландия кўчаларида байрам кайфияти ҳукмрон. Буюк Британиянинг тарихий-жуғрофий минтақаси бўлган ушбу ҳудудда мухторият тарафдорларининг уч асрлик орзулари рўёбга чиқди. Шотландия пойтахти Эдинбургда 2000 йилдан бошлаб минтақа ўз парламентига эга бўлади. Шотландияда ўтказилган референдумда овоз берувчиларнинг 77 фоизи ушбу ғояни ёқладилар. Бир неча кундан сўнг эса қиролликнинг яна бир минтақаси — Уэлсда ҳам худди шу сингари референдум ўтказилиши режалаштирилмоқда.

**● Тошкентда «Марказий Осиё—ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди.**

● Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби Буюк Британиянинг машҳур «Керзон Пресс» нашриётида инглиз тилида кўп нусхада нашр этилди.

## КЎРСАТУВЧИ ТЕЛЕФОН

***Гапимизда муболаға йўқ. Энди бизда ҳам телефонда гаплашаётиб ўз субҳатдошингизни кўриб туришингиз мумкин!***

Германия иқтисодиёт федерал вазири жаноб Г. Рексродт бошчилигидаги немис ишбилармонлари делегациясининг Ўзбекистондаги сафар дастури тиғиз бўлса-да, ҳар қалай, Германиянинг Сименс АГ фирмаси иштирокида ишга туширилган бу янги телекоммуникация турини намойиш қилишда иштирок этиш назарда тутилган эди.

Учта студияда (Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси ва 137-АТС ҳамда Самарқанддаги 33-АТСда) дастлабки видеоалоқа сеансини ўтказиш учун керакли қурилмалар: рангли телевизорлар, видеокамералар, компьютерлар ва видеомагнитофонлар ўрнатилган. Улар махсус блок орқали одатдаги телефон жуфтлигига уланган, буёғи — 137-рақамли АТСга, сўнгра шаҳар телефон тармоғининг боғловчи линияси орқали шаҳардаги икки мижознинг ўзаро алоқага киришишига, шаҳарлараро телефон станцияси орқали эса, ТОЕ шиша-толали кабел магистрали рақамли канали бўйлаб Самарқанддаги студияга — 33-рақамли АТСга боғланишга мослаштирилган. Бутун тракт бўйлаб янги қурилмалар, замонавий ускуналар, электрон узатиш тизимлари ўрнатилган бўлиб, уларни ишга туширишда ўзбек мутахассислари билан бир қаторда Германиянинг Сименс АГ фирмаси иштирок этди.

Германиялик меҳмон ўзига ҳамроҳлик қилаётган ҳамкасблари ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Т. Султонов билан бирга алоқа видеоканали орқали телевизор экранида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев, Сименс АГ фирмаси вакиллигининг раҳбари, жаноб Д. Шарффнинг бошқа студиядан туриб, Самарқанд студиясида ҳозир бўлган вилоят ҳокимлиги билан алоқа корхонаси вакилларининг жонли ва тўғридан-тўғри чиқишларини ҳам эшитиб, ҳам кўрдилар. Ўзбекистонда бундай ўта замонавий алоқа турининг ишга туширилиши барчада катта таассурот қолдирди. Аниқ-тиниқ тасвир, унга ҳамоҳанг овоз, муҳими — икки мамлакат — Германия ва Ўзбекистон ўртасида телекоммуникация тизимини ривожлантириш соҳасида ўрнатилаётган амалий ҳамкорликнинг яққол намойиши эди бу!

Алоқа видосеанси қатнашчиларининг чиқишларида Ўзбекистон алоқачилари билан Германия фирмалари ва молия ташкилотлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари қарор топганлиги таъкидланди. Икки томонлама келишув асосида телекоммуникацияни ривожлантириш мақсадида Германия банклари томонидан кредит линиялари очилди ва ҳозирда 80 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитдан фойдаланилди. Сименс АГ компанияси иштирокида Тошкентда янги халқаро телефон станцияси ишга туширилди. Самарқандда рақамли АТС комплекси қурилди. Тошкент шаҳридаги АТСлараро боғловчи линияларда 130 километрлик шиша-толали рақамли «транспорт ҳалқаси» иш бошлади, пойтахт тармоғидаги бешта АТСда эскирган қурилмалар рақамлига алмаштирилди, Транс-Осиё-Европа шиша-толали кабел магистрали қурилиши ниҳоясига етказилди. Бу Сименс АГ. етказиб бериб, Ўзбекистон тупроғида ётқизилган 926 километрлик замонавий кабел ва қурилмалар 18 та нурли из ва минглаб янги кабеллар бўйлаб ахборот оқимини тезкорлик билан узатишдек ноёб имконият — бир пайтнинг ўзида 8 минггача гаплашиш имконияти демакдир. Келгусида эса, биргина тола орқали бир пайтнинг ўзида 260 минг боғланишни таъминлаш мумкин бўлади. Сименс АГ ҳозирнинг ўзида Ўзбекистон телекоммуникациясида 100 миллион маркалик ишни амалга оширди.

Германиянинг яна бир фирмаси — Алкател СЕЛ ҳам ўз афзалликларини кўрсатмоқда. Унинг иштирокида Тошкент шаҳрида 80 минг рақамли сиғимга эга янги рақамли АТС қурилди, станциялараро боғловчи алоқа линияларини ташкил этиш учун 11 та радиореле станцияларининг қурилмалари ўрнатилди. Наманган ва Шаҳрисабзда маҳаллий ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларининг рақамли комплекслари ишга туширилди.

Мана энди Германия фирмаси иштирокида янги бир қурилма яратилди — видеоконференцалоқанинг биринчи навбати иш бошлади. Дастлабки сеансда учта мижоз-студия иштирок этди, аммо у келгусида 48 тага етказилиши мумкин. Яқин кунларда бутун Ўзбекистон ҳудудидаги 18 та мижозга шундай қулайлик яратиш мўлжалланмоқда. Бу видеосуҳбатларгина эмас, телефакслар, маълумот узатиш, халқаро тармоқларда мультмедиа билан ишлаш имконияти демакдир.

Тўғридан-тўғри видеоалоқа бўйича ўтказилган сеанс Ўзбекистонда кенг миқёсларда жорий этилаётган рақамли техника ва илғор технологиянинг улкан имкониятларини, хорижий фирмалар билан ҳамкорликнинг умидбахш истиқболларини яққол кўрсатди.

Ўзбекистон телекоммуникациясини изчил ривожлантириш ва такомиллаштириш давлатимиз буюк келажагини бунёд этишдек улкан тарихий вазифани амалга оширишга ҳисса қўшиш, самарали фаолият ва қулай турмуш учун керакли шарт-шароит яратиш мақсадида хизмат кўрсатиш соҳаларини муттасил ривожлантиришга қаратилгандир.

***А. КУДИНОВ***

# ОДАМЛАР ҚУВОНСА ҚУВОНИБ...

Уйчи туман электралоқа боғламаси шаҳарлараро сўзлашув маркази телефончиси Сожидахон Зоитовани кўпчилик «Бунча ширин забон бўлмаса» дея оғизларидан бол томиб мақташади. Бунга кўп бора ўзим гувоҳ бўлганман. Албатта, эл эҳтироми ва ҳурматига эришишнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, унинг замирида ҳалол ва сидқидил меҳнат ётибди.

... Сожидахонга бирин-кетин ёнаётган «07» чироқчалари ҳам, узун ичакдек чўзилган штепселлар ҳам бирдай қадрдон бўлиб қолган. У гоҳ буюртма қабул қилади, гоҳ телефон рақамларини айтади, зум ўтмай яна оддий сўровларга жавоб беради... Хуллас, Сожидахон «07» га қўнғироқ қилган одамлар қувонса, қувонади, дарду ҳасратини айтса тинглайди, энг зарур дамларда узоғини яқин қилиб, мушкулини енгиллатишга бутун шуури билан киришади.

— Шундай касб соҳиби эканлигимдан ғоят фахрланаман ва ғурурланаман, — дейди Сожидахон Зоитова. — Мени боғламада муқим ишлаб қолишимга сабабчи бўлган алоқачи устозларим — раҳматли Марҳабат Набиева, фахрий алоқачи Екатерина Каримовага минг раҳмат дейман. Мана, 13 йилдирки алоқачилик орқали нон еяман, рўзғор тебратаман. Бизнинг ишимиз билан таниш бўлмаган киши бир қарашдаёқ осон юмуш экан деб ўйлайди. Аммо ҳар қандай касбнинг ўзига яраша машаққати-ю роҳати бўлади. Ҳар гал ишга отланаётганимда, ҳаттоки юрган йўлимда ҳам мен учун қадрдон бўлиб қолган «темир» ускуналарни соғинаман, дилкаш ва самимий инсонлар жамланган аҳил жамоамга талпиниб, ошиқаман.

У оилада пазанда аёл, меҳрибон она. Турмуш ўртоғи Юсуфжон ака билан уч нафар фарзандни камолга етказишяпти.

Ҳа, Сожидахон Зоитова ўзининг қўнғироқдай ёқимли овози, ширин забони билан эл ҳурматига сазовор бўлаётган жонкуяр алоқачилардан. Унинг 1996 йили «Йилнинг энг яхши алоқачиси» деб топилиши ва вилоят электралоқа корхонасининг қимматбаҳо совғаси билан тақдирланиши ҳам бежиз эмас.

Уйчининг эл билан ҳамнафас алоқачи қизи — Сожидахон Зоитованинг келгуси ишларида омад ёр бўлсин.

*Муҳаммадали ҚАМБАРОВ,*
*Наманган вилояти*

*• Хотира*

# ЁДИМИЗДАСИЗ, ЮСУФАЛИ АКА!

Ҳаётда шундай кишилар бўладики, улар ўзларининг инсоний фазилатлари, элу юртига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати туфайли одамлар ёдида абадий қолади. Ана шундай инсонлардан бири — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқачи» Юсуфали Усмоновдир.

У 1927 йили Тошкентда таваллуд топди. Ёшлигидан алоқачи бўлишни орзу қилди. Шу йўлда тинмай ўқиди, изланди, пухта билим эгаллади. Тошкент алоқа техникуми (ҳозирги Алоқа коллежи) га ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлади. Сўнгра 1956 йили Ленинград электротехника Алоқа институтини битириб, меҳнат фаолиятини оддий техникликдан бошлади.

Юсуфали Усмонов 1956-62 йиллари Тошкент телемаркази муҳандиси, бош муҳандиси, 1962 йили Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Техника бошқармаси бошлиғи, 1964 йилдан 1978 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги радио ва телевидение узатиш бирлашмаси бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатди. Жонкуяр алоқачи ўзининг бутун куч-қудратини алоқа соҳасини ривожлантиришга бағишлади. Унинг бошчилигида ҳозирги кунгача фаолият кўрсатаётган барча радиореле линиялари, радио ва телевизион ўтказгичларни ўрнатиш жойлари аниқланиб, ишга туширилди. Унинг алоқа соҳасидаги хизматлари ўз қадрини топди. 1968 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқачи» унвони, 1972 йили эса «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди.

Меҳнат фаолияти давомида муносиб шогирдлар тарбиялаб етиштирди. Бугунги кунда унинг шогирдлари ҳам устози изидан бориб, алоқа соҳасининг ривожланишида муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Юсуфали ака оилада меҳрибон ота эди. Умр йўлдоши Қумриниса ая билан 4 ўғил, 3 қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Фарзандларининг қалбига ўзидаги инсоний фазилатларни, эл-юртга, касбига меҳр-муҳаббатни сингдирди.

Ю.Усмонов соғлиғи ёмонлашгани туфайли 1978 йили нафақага чиқди. 1985 йили 58 ёшида вафот этди. Унинг эзгу ишлари, инсоний фазилатлари, ёрқин хотираси ҳеч қачон унутилмайди.

*Солиҳ ЗОИР*

*• Алоқа матбуот кўзгусида*

## АДАШЛАР ҚИШЛОҒИ

Туркиянинг Барзон қишлоғида исму шарифи Мустафо Вейсал деб аталувчи 42 киши яшайди. Агар қишлоқдаги бу кишилардан бирининг номига хат келса, 42 кишининг ҳаммаси майдонга йиғилади.

Кимдир хатни овоз чиқариб ўқийди ва уни эгасига топширади.

— Хатлар ҳали ҳолва, — дейди қишлоқ оқсоқоли Мустафо Вейсал. — Шаҳарлараро телефон масаласида аҳволимиз чатоқ. Адашларнинг барчаси яна почтага йиғилиб, навбатма-навбат гаплашгунча вақт ҳам тугайди.

## МИТТИ РАДИОУЗАТГИЧ

Швед ихтирочиси Л. Лундал балиқчилар оғирини енгил қиладиган мослама ишлаб чиқди. «Митти радиоузатгич» деб номланган бу мослама денгизга ташланган тўрларга маҳкамланади ва ўзидан сигнал чиқариб туради. Бу эса балиқчиларга ҳатто мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам тўрларни осонликча топиш имконини беради.

Тошкент Халқаро электралоқа маркази жамоаси шу марказ бошлиғи Ҳаким Асрорович Муҳитдиновга волидаи муҳтарамаси **ТОШХОН аянинг** вафоти муносабати билан оиласи ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

# ТАКСОФОН ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

***Пойтахтимиз Тошкентда «Тошкент таксофони» акциядорлик жамиятининг Собир Раҳимов, Ҳамза, Янгиобод, Миробод, Чилонзор туманларида бир неча бўлинмалари мавжуд. Ана шу бўлинмалардан бири — Чилонзор таксофонида олиб борилаётган ибратли ишлар ҳақида бригада бошлиғи Андрей Валерьевич ПАНАЦЬЯНЦ жамоатчи мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Чилонзор таксофон бўлинмамиз ташкил топганига ҳам 7 йил бўлди. Шунга қарамай, ишлашимиз учун тайинли жойимиз йўқ. Жуда кўп жойларга кўчиб ўтдик. Ниҳоят, 74-АТС биносидан биттагина хона беришди. Бу ерда қачонгача ишлашимиз номаълум. Хонанинг аҳволини, эскирган жиҳозларини кўриб турибсиз. Шундай қийин шароитда ишласак-да, ишларимиз ёмон эмас. «Тошкент таксофони» корхонаси акциядорлик жамиятига айлангандан бери эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар, кийим-кечаклар, кабел симлари билан кўпроқ таъминланяпмиз. Шунинг учун ҳам жойлардаги таъмирталаб таксофонларни таъмирлаш, тузатиш ишларини жадал олиб бормоқдамиз. Бу борада Р. Ҳаётов, Р. Ваҳобов, А. Морозов, М. Мамажонов, М. Алёхин, В. Пантелеев, Р. Тафитулин каби ходимларимизнинг хизматлари катта бўлаётир.

Таксофонларни жойлаштиришда Чилонзор тумани телефон тармоғи бошлиғи С. Аъзамов бизга яқиндан ёрдам бериб келяпти.

Таксофонларимиз асосан жетон билан ишлайди. Шу боис жетон сотадиган ходимларимиз ҳам бор. Улар Чилонзор, А. Икромов туманлари, отчопар ва метро бекатларида жетон сотишиб, шаҳримиз аҳолисининг мушкулини осон қилишмоқда.

Жойлардаги таксофонларимизнинг бетўхтов ишлашида 58, 75, 76, 77-АТСларнинг кросс электромантўрлари ҳам ўз ёрдамларини аямаётирлар.

Бригадамизда ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор бериб келмоқдамиз. Уларга ойлик маошларидан ташқари мукофот ва ёрдам пуллари, соғлиқларини тиклашлари учун санатория ва дам олиш масканларига йўлланмалар берилмоқда. Бу эса ишчиларимизнинг яхши дам олишлари ва унумли меҳнат қилишларида ўз самарасини бермоқда.

Мен ҳамшаҳарларимизнинг пойтахт кўчаларида ўрнатилган янги, бежирим таксофонлар хизматидан оқилона фойдаланишларини истар эдим.

*Суҳбатни Фароғатхон ШАРОФҚОРИЕВА ёзиб олди*

# ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркаси» нашриёт маркази «ЎзДЭУ авто»га бағишланган янги почта маркалари туркумини нашрдан чиқарди. Мамлакатимизнинг ривожланаётган ёш автомобиль саноати илк бор почта маркаларида тасвирланган.




Ўзбекистон Республикаси Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчи бўлиб автомобилсозликни ривожлантиришнинг янги негизини вужудга келтирди. Бу ўз навбатида маҳаллий саноатни ривожлантириш, республика аҳолисининг турмуш даражасини кўтаришга ижобий таъсир кўрсатади.

Маҳаллий автомобиль саноати ишлаб чиқараётган автомобиллар почта, тиббиёт муассасалари ва ногирон шахсларга хизмат кўрсатиб келаётир. Андижон вилоятининг Асака шаҳрида қад кўтарган «ЎзДЭУ авто» автомобиль заводи Марказий Осиё ҳудудида ягонадир. Ушбу автомобилларга қўшни ва хорижий мамлакатларда талаб ортмоқда.

Маркалар туркумини мусаввир С. Шарипов безаган.

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

***Бухоро вилояти, Ромитан тумани электралоқа корхонаси жамоаси шаҳарлараро телефон станцияси муҳандиси Салим АСАДОВ ва қишлоқ телефон тармоқлари муҳандиси Ҳамид РЎЗИЕВни туғилган куни билан табриклаб, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақият тилайди.***

